*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил **11 январь** ШАНБА

**№ 4** (12640)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## АСКАР МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

*Халқимиз азал-азалдан ширин сўз, яхши амалларга ошуфта яшайди. Бир калима эзгулик муждасидан бир умрга татигулик куч-қувват олади. Вилоят ва Чирчиқ шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида Чирчиқдаги "Гранд Осиё" кошонасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир "Аскар маҳалла меҳмони" деб номланди.*





Ватан ҳимоячилари куни арафасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг энг яхши аскарлари, Қуролли Кучлар фахрийлари ва аскар оналари шарафланди, иззат-икром кўрсатилди. Ўз бурчини сидқидилдан адо этаётган курсантлар, аскарлар, уларга ибрат бўлаётган устозлар – Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлиши табиий.

(Давоми 2-бетда).

**Ҳар бир инсоннинг ҳаётида қувончли, унутилмас кунлар бўлади. Айниқса, танлаган касб туфайли эришилган муваффақиятлар кишига туганмас куч-қувват бағишлайди, меҳнати қадр топаётгани, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик эса янада юксак марралар сари чорлайди.**

## ҲАРБИЙ БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги фармони билан "Шуҳрат" медалига сазовор бўлганимда буни янада теранроқ ҳис қилдим. Касбимга меҳрим янада ортиб, ғайратимга ғайрат қўшилди. Давлатимизнинг бу юксак мукофоти мени хизматда доимо сергак ва ҳушёр бўлишга ундайди.

Мамлакатимизда ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили кўплаб ҳарбийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий хизматни ўташ шароитларини янада яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Қўмондонлик томонидан намунали хизмат қилган аскарларга олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга кириш учун тавсияномалар берилмоқда.

Бугун барча ҳарбий қисм ва билим юртларида ҳарбийлар учун зарур шарт-шароит яратилган. Уларда ҳарбийлар замонавий қулайлик ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўз билим ва малакасини бойитишга, жисмоний, руҳий ва жанговар тайёргарлигини янада оширишга интилмоқда. Зеро, ҳарбийлар ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатишга қодир, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўша оладиган, миллий манфаатларимизнинг фаол ҳимоячиси бўлиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК ШАРАФ

**Яқинда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил этилганига 22 йил тўлади. Бу муҳим тарихий сана мамлакатимизда ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.**

Ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучларимиз нафақат Ватанимиз сарҳадлари ва халқимиз тинчлик-осойишталигининг ишончли ҳимоячиси, балки ёшларда мустаҳкам иродани шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди. Миллий армиямиз сафида хизмат қилган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳият эгалари бўлиб етишмоқда. Ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир қатор юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:**

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан**

**Норпулатов Шухрат Шерпулатович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**"Жасорат" медали билан**

**Аскаров Азиз Насвалиевич** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Валламов Нигматилла Гайратович** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Эгамбердиев Хасан Сунатиллаевич** – Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди раиси

**"Шуҳрат" медали билан**

**Каримов Тохир Тулкунович** – Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Соғлом бола йили ҳар бир соҳа вакилларини ўз фаолиятига янада масъулият билан ёндошишга ундамоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вилоят бошқармаси Тошкентдаги Алишер Навоий номли санъат саройида Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов иштирокида ўтказган навбатдан ташқари кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши янги йил режаларини белгилаб олиш, соғлом бола таълим-тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатларга бағишланди.**

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФИДОЙИЛАР ИШЛАСИН

Йиғилишга барча туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирлари ҳамда ходимлари, мактаб директорлари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари таклиф этилди. Унда ҳозирги кун педагоглари, хусусан, бошланғич таълим ўқитувчиларига қўйилаётган талаб, зиммаларидаги масъулиятли вазифалар, раҳбар ходимлар лаёқати ҳақида сўз борди. Ўз касбининг фидойилари бўлган бир гуруҳ ўқитувчиларга "Халқ таълими аълочиси" унвони ва вилоят ҳокимининг махсус совғалари топширилди.



Таъкидландики, таълим тизимида кўзланган мақсад ва натижаларга эришиш учун халқ таълими ходимлари билан ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш зарур. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижроси бўйича ишларни қатъий давом эттириш лозим.

**Сайёра ИКРОМОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

## ҚИШКИ ТАЪТИЛ – ЙИЛГА ТАТИР

**Шу кунларда ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан жойларда кўргазма ярмаркалари ташкил этилди, шеърият кунлари ўтказилиб, ўқувчиларни кутубхоналарга жалб этиш, "Билимлар беллашуви"нинг ҳудудий босқичларини уюштириш, "Қишки таътил китобхони" танловини, шунингдек, турли спорт мусобақаларини ташкил этиш йўлга қўйилди.**

Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларнинг қобилият ва иқтидорларини аниқлаш мақсадида мактабларнинг 5-6-7-8-синф ўқувчилари ўртасида 16 фан бўйича "Билимлар беллашуви" ўтказиб келинмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

Саёҳат

**Соғлом бола йилига қадам қўйилганига ҳали бир ҳафтаям бўлгани йўқ. Аммо, юртимиз келажаги бўлмиш фарзандлар тарбияси билан боғлиқ турли тадбирлар уюштириш бутун мамлакат бўйлаб кенг кўламда бошлаб юборилди. Хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси болажонларнинг янги йил байрами тантаналари ва қишки таътил кунлари мароқли ўтишини таъминлашга қаратилган дастурий тадбирларни амалга оширмоқда.**

## БОЛАЖОНЛАР КЎЗИДА ҚУВОНЧ

Жумладан, кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳамда ногирон болаларнинг Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳати уюштирилди. Республика Халқ таълими вазирлиги ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда вилоятдаги 14- ва 15-"Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари саёҳат давомида Самарқанд тарихий музейи экспонатлари, Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси билан танишдилар.

Болажонларнинг қишки таътил кунлари мазмунли ва мароқли ўтишига кўмаклашишдан ташқари, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, буюк боболаримиз меросини авайлаб-асраш мақсадларида ташкил этилган саёҳатда ҳар икки "Меҳрибонлик" уйидан 100 га яқин тарбияланувчи кўҳна Самарқанднинг диққатга сазовор тарихий жойларини зиёрат қилиб, катта таассуротлар билан қайтдилар.

**Ўз мухбиримиз.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллигига

## ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ЯРАТГАН ҒЎЗА ГЕНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ ЖАҲОНДА КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

**Халқаро миқёсда пахтачилик соҳасининг мониторинги билан шуғулланадиган Халқаро ғўза маслаҳати қўмитаси – ICACга ғўза парвариши ва пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган қирқдан ортиқ мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо. Мазкур ташкилот 2009 йилдан буён жаҳон мамлакатларида олиб борилаётган йирик ғўза тадқиқотларининг натижалари соҳасида "Йил тадқиқотчиси" танловини ўтказиб келади. 2013 йилда бу мукофотга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори, биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдураҳмонов ғўза геномини чуқур тадқиқ қилишдаги фундаментал ютуқлари учун сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, ICACнинг бундай юксак эътирофига ҳозирга қадар саноқли олим лойиқ кўрилган.**

Мустақиллик йилларида селекционерларимиз томонидан ғўзанинг турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил, толаси узун ва янги навлари яратилмоқда. Кейинги йилларда ана шундай хусусиятларга эга 20 хил янги нав районлаштирилди, улар жаҳон бозорида талаб этилган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микронейр кўрсаткичига тўла жавоб беради.

Мамлакатимизда геномика ва биоинформатика фанларининг ривожланишига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли дунё фанида ўз ўрнига эга нуфузли илмий мактаб ва муҳит шакллантирилди, замонавий лабораториялар ташкил этилиб, кенг миқёсда халқаро илмий алоқалар йўлга қўйилди. Юртимиз олимлари эришган энг сўнгги ютуқлардан бири – бу улар томонидан ғўза учун яратилган дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир.

Соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, орттирилган тажрибани бошқа экинларга ҳам ўз вақтида татбиқ этиш ва рақобатдошлигини оширишда Ўзбекистон Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказининг муҳим ҳиссаси бор.

Марказ илмий жамоаси ҳанузгача ноаниқ бўлган ғўза геномидаги рекомбинацион блоклар (яъни, авлоддан-авлодга кўчиб ўтадиган ген аллеллари тўплами) ўлчамларини топиб, замонавий тезкор "ассоциатив карталаштириш" усулини кашф этди. Натижада ғўза геномидаги генлардан фойдаланишнинг янги имкониятлари очилиб, ғўзада замонавий маркерларга асосланган селекция усуллари ишлаб чиқилди. Бу янгича хусусиятларга эга туркум "Порлоқ" навларини яратиш имконини берди. Масалан, 2013 йилда йигирмадан ортиқ фермер хўжалиги далалари ҳамда марказнинг махсус уруғчилик хўжалигида ген-нокаут усулида яратилган ғўзанинг янги – "Порлоқ-1", "Порлоқ-2", "Порлоқ-3", "Порлоқ-4" навларини етиштириш ишлари бошлаб юборилди.

– Ген-нокаут ёки РНК интерференцияси молекуляр генетика усули бўлиб, организмнинг белгиланган генлари фаоллигини тўхтатиш имконини беради, – дейди И. Абдураҳмонов. – Шу туфайли генлари "ўчирилган" (нокаут қилинган) организм вужудга келади. Бу нуклеотид кетма-кетлиги маълум бўлган генларнинг функциясини аниқлашга ёрдам беради. Нокаут қилинган ва нормал организм намуналари орасидаги фарқлар, ўрганилаётган ген функциясини кўрсатиб беради. Қишлоқ хўжалиги экинларининг биологик кўрсаткичлари – ҳосилдорлик, эртапишарлик, зараркунанда ва ҳашаротларга чидамлиликнинг намоён бўлишида иштирок этувчи геннинг таркиби ва функцияси аниқлангандан сўнг мақсадга мувофиқ равишда ушбу ген фаолиятини кучайтириш ёки аксинча уни тўхтатиш мумкин.

Масалан, ўсимликнинг пишиб етилиши жараёнини секинлаштирувчи генлар фаолиятини сусайтириб ёки бутунлай тўхтатиб, эртапишарликка эришиш ёки аксинча, улар фаоллигини кучайтириб, пишиб-етилишни кечиктириш мумкин. Мазкур янгилик бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу технология Ўзбекистонда, АҚШда ва халқаро миқёсда патентлаш учун топширилди.

Аслида ғўзада ишлаб чиқилган ген-нокаут технологияси жуда оддий биологик ҳодисага ўхшайди. Маълумки, қоронғида етиштирилган ўсимлик ёруғликдаги турдошига нисбатан тезроқ ўсади. Сояда ўсган ўсимликлар одатда "соялаш синдроми" эффекти туфайли, яъни вегетация даври охирлаётганидан хавотирланиб, ўзидан авлод қолдириш мақсадида тез гуллайди. Бунинг сабаби молекуляр соатларни бошқарувчи рецептор генларнинг фаоллигида бўлиб, ривожланаётган ғўза толаси қоронғи жойга қўйилса, тез узая бошлайди.

Шунга кўра, табиий дала шароитида ўстирилаётган ғўза ўсимлигидаги тола ҳужайралари ёруғлик спектридаги муайян нурга суст жавоб берадиган этиб қўйилса, яъни "соялатилса", тола нисбатан узайиб, ўсимлик тез гуллайди. Бу назарияни технологияга айлантириш учун 2003-2009 йиллар мобайнида амалга оширилган халқаро ва маҳаллий фундаментал лойиҳалар самарасида ғўзанинг ёруғлик нури спектрларини ютувчи рецептор генлар оиласи Ўзбекистонда клонланди ва тавсифланди. Кейинги босқичларда эса ғўзада бу генларнинг фаоллигини "генни ўчириб" қўйиш орқали бошқариш технологияси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳунармандчилик

## НАВДАЛАРНИНГ НАФИС ЖИЛОСИ

**Оҳангаронга Германиядан хат келди. У шу ерлик моҳир ҳунарманд Зарифахон Баҳодировага аталган бўлиб, шундай сўзлар битилган эди: "Тошкентда менга тақдим қилган ошхона анжомлари тўпламидан иборат эсдалик совғангиз оила аъзоларимни ҳам беҳад қувонтирди. Ижодий ишларингизга қизиқиб қолишди. Ҳатто рафиқам устахонангизда кўрганим – тебранма курсини харид қилмаганим учун мени анча койиди ҳам. Майли, буниси келаси сафарга қолди. Ҳозирча ҳаммаси учун раҳмат. Эҳтиром билан Бернд Хенн."**

Зарифа опа учун бундай мактублар янгилик эмас, албатта. У Тошкентда ўтказиладиган қатор халқаро кўргазмаларда иштирок этавериб, жуда кўплаб чет эллик ҳамкору мухлислар орттирган. Унинг устахонасида ясалган буюмларни кўриб, инсон қўли чиндан ҳам мўъжиза яратишга қодир эканига амин бўласиз.

Бу ер шунчаки устахона эмас, катта бир ишлаб чиқариш корхонаси: унда ҳунарманднинг ўнлаб шогирдлари – маҳаллий йигит-қизлар завқ билан меҳнат қилмоқда. Улар оддий тол навдаларидан тайёрлаётган бежирим уй-рўзғор анжомларидан тортиб мебель жиҳозларигача пешма-пеш савдо растларига, буюртмачилар манзилларига жўнатилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# ЮКСАК ШАРАФ

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида изчилислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда қисқа даврда ҳарбий соҳада мутлақо янги тизим шакллантирилди. Малакали ўрта бўғин кадрлари камол топди. Айни пайтда фахр билан айтиш мумкинки, тактик маҳорат, тайёргарлик ва шароит жиҳатидан дунёнинг энг қудратли давлатлариникидан кам бўлмаган миллий армиямиз шакллантирилди. Ватанимизда ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган қулай шарт-шароит, имтиёзлар хорижда ҳам кўпчиликда ҳавас уйғотаётир.

Президентимизнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар беришга оид қарорларига биноан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намоён этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлайди.

Бундай имтиёзларнинг жорий этилиши ва яратилган кенг имкониятлар самарасида ҳарбий хизматда чиниққан қанчадан-қанча йигитлар талабалик шарафига муяссар бўлмоқда. Ҳарбий хизмат муддатининг бир йил этиб белгиланиши, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта ўтказилиши, аскарликка фақат соғлом ва бақувват ўғлонларнинг олиниши – буларнинг ҳаммаси миллий армиямизни сифат жиҳатдан тубдан яхшилаш имконини берди. Бунинг самарасида юртимизда сараланган, ҳар қандай мушкул вазифани ҳам бажаришга қодир қўшинлар шаклланди, жамиятимизда ҳарбий хизматнинг мавқеи ошди. Бугун Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда улкан орзу, шоншараф ишига айланди.

Маҳоратли, машқда чиниққан, кучли қўшин Ватаннинг қудратини янада оширади. Чегаралари дахлсиз, тинчлик-осойишталик барқарор юрт ҳамиша обод ва фаровон бўлади. Ватан ҳимоячиси деган ном эгаси бўлиш эса ҳар бир йигитга улуғ шараф, катта ишонч ва масъулият юклайди. Шу боис мамлакатимизда ўғил-қизларни болаликдан Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида, юрт ҳимоясига қодир, жисмоний соғлом ва бақувват, маънавий етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан кириб келаётган янги 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

...Яқинда олий ўқув юртини тамомлаган ўғлим Сарвар ҳарбий хизматдан қайтди. Унга ҳарбий кийим-бош жуда ярашибди. Назаримда, у анча улғайиб, вазмин бўлиб қолгандай туюлди. Ўғлимни суҳбатга тортиб, ҳарбий хизмат, у ердаги тартиб-қоидалар, аскарларнинг ҳаёти билан қизиқдим.

– Қатъий интизом. Тинимсиз ўқиш ва машқлар... Кўп нарса ўргандим, – дейди ўғлим. – Ҳарбийда ўрганганларим бир умрга татийди.

Ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда кенг нишонланади. Бу кун нафақат ҳарбийларимиз, балки бутун халқимизнинг байрамидир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# АСКАР МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ



Зеро, улар тинч-осуда ва обод турмуш, фаровон ҳаётимиз посбонлари. Захирадаги зобитлар Дилшод Соатов, Аваз Намозов, Олег Сим, Юрий Ромашковетнинг қизиқарли суҳбатлари, хотиралари ёш аскарлар учун ибрат мактабини ўташи шубҳасиз.

Ҳаётини ўз Ватани ҳимоясига бахш этишни энг улуғ бахт деб билган оддий аскар Ўктам Тиллабоев ҳозир Қашқадарёда хизматда. Унинг ота-онаси ўғилларининг ҳарбийликни танлаганидан фахрланиб сўзлашади. Аскар оналаридан бири Дилфуза Мадалимованинг дил изҳорида тинчликда ўтаётган ҳар бир кунга шукроналик, чеҳрасида бахт-иқболдан мамнунлик ифодалари зоҳир.

Бу байрам тадбирининг ҳаяжонли лаҳзаларидан яна бири – шаҳар ҳокимлигининг энг намунали, фидойи аскарларга аталган фахрий ёрлиқларини топшириш маросими иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шунингдек, Чайковский ва Ҳамза номидаги мусиқа мактабларининг "Офарин", "Нилуфар", "Семурғ", "Шодлик", "Чинор", "Ясмин" дасталарининг чиқишлари кечага файз бағишлади.

**Сайёра ИКРОМОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҲАРБИЙ БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Менинг сафдошларим ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашга, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида қатъият ва фидойилик билан хизмат қилишга бел боғлаган.

Ҳарбий либос кийган ҳар бир ўғлон, у хоҳ муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар, хоҳ сержант ёки офицер бўлсин, барчасининг мақсади битта – жонажон Ватанимиз Ўзбекистонни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш.

Ана шу муқаддас бурчни шараф билан ўтаётган ҳарбийлар қаторида мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Ҳарбий касбни танлаб, ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлаб, офицер сифатида ҳарбий хизматни давом эттирмоқдаман. 2012 йили Қуролли Кучларимиз тизимида ўтказилган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танловининг якуний босқичида йилнинг "Энг илғор взвод (батарея) командири" номинацияси ғолиби бўлдим. Бундан кейин ҳам Ватан ҳимоячиси деган юксак шарафга, истиқлол ғояларига, Президентимизга ва халқимизга содиқ бўлишга ваъда бераман.

**Ибрат МАШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири (ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Вилоят ҳокимлиги "Нуроний" жамғармаси, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида Зангиота туманида истиқомат қилувчи 160 ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож қария ва уруш фахрийларига Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам совғаси топширилди.**

# МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож 60 та оилага 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди.

* * *

Шунингдек, тумандаги маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳарбий хизмат ҳар бир йигитнинг шарафли иши, Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ўғлонларнинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида сўз борди.

Ўқувчилар тайёрлаган "Ҳарбий қасамёд" ҳамда "Қувноқлар ва зукколар" мусобақаси, аскарлар ҳаётидан кўрсатилган лавҳалар байрамга ўзгача файз бағишлади.

**Ўз мухбиримиз.**

Ишлаб чиқариш

**Чирчиқ шаҳридаги «Super Roll» хорижий корхонаси 10 киши билан иш бошлаган дастлабки йили 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган эди. Ҳозир эса, 38 кишилик жамоа йилига 600 миллион сўмлик маҳсулотни мижозларга етказишмоқда. Шундан 50 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижга жўнатиляпти.**

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

– Корхонамиз юқори сифатли полиуретан ва каучук хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб бошлаган, – дейди раҳбар Ҳусан Қодиров. – Қисқа фурсатда Осиё ва МДҲ бозорларига дадил кириб бордик. Энди шу мавқени ушлаб қолишимиз керак.

Корхонада ишчилар учун барча шароитлар муҳайё. Тиббиёт, ювиниш, кийим алмаштириш хоналари бор. Ҳатто, ишчилар соғлиқларини тиклашлари учун спорт мажмуаси ҳам барпо этилган.

Янги йилдан бошлаб корхонадан чиқаётган саноат чиқиндиларини қайта ишлаб, йўлаклар учун елим брусчаткалар чиқариш мўлжалланган.



**СУРАТДА:** технолог Аҳмад Эрсой ва сайқал берувчи Серан Самиддинов.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллигига

# ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ЯРАТГАН ҒЎЗА ГЕНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ ЖАҲОНДА КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

– Бугунги илм-фан тараққиёти ғўза геномикасини ўрганишда классик усуллардан биотехнологияларга асосланган янги усулларга ўтиш имконини бераётир, – дейди марказнинг кичик илмий ходими, ёш генетик Мирзакамол Аюбов. – Масалан, биз ўсимликнинг эртапишарлиги, толанинг сифат кўрсаткичлари, гуллаш даврини аниқлашда нафақат анъанавий кузатув, балки молекуляр анализ усулидан, яъни генларнинг таркибидан ҳам фойдаланамиз. Бундай усул тадқиқот натижалари аниқ ва ишончли бўлишини таъминлайди. Марказимизда ана шундай замонавий таҳлилларни амалга ошириш учун барча зарур имкониятлар мавжуд.

2009-2013 йилларда аввал лабораторияда, кейин дала тажрибасида олиб борилган генетик таҳлил маълумотларига кўра, ген-нокаут технологияси ёрдамида олинган ғўза амалдаги ўсимликларга нисбатан, тезлашган вегетатив ўсиш хусусиятига ва 2-3 баробар узун илдиз тизимига эга эканлиги маълум бўлди. Бундай навли пахта 5-10 кун аввал етилади, ҳосилдорлиги 18-30 фоиз ошади, толасининг узунлиги 40 миллиметргача, микронейр кўрсаткичи 4,2 миллиметргача етади. Айни пайтда мазкур технологияни бошқа қишлоқ хўжалиги экинларида ҳам қўллаш борасида изланишлар олиб борилаётир.

Ғўзанинг ген-нокаут шаклларида қурғоқчиликка, шўрланишга ва совуқ ҳароратга чидамлилик кўрсаткичлари нисбатан юқори. Муҳими, яратилган навлар экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, дунёда мавжуд биотехнологик ғўзалардан фарқли равишда ҳеч қандай "бегона" ген ишлатилмаган. Аксинча, бунда ғўзанинг ўзидаги генлар фаолияти сусайтирилган, холос.

Геномика ва биоинформатика марказида айни пайтда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳашаротларга, патоген омилларга ҳамда шўрланишга чидамлилигини белгиловчи бошқа генларни аниқлаш ва улар асосида янги биотехнологик навлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

– Ғўзада учрайдиган вилт ва нематода касалликлари борасида жуда қизиқарли тадқиқотлар олиб бормоқдамиз, – дейди Геномика ва биоинформатика марказининг кичик илмий ходими Умид Шопўлатов. – Асосан чувалчанглар келтириб чиқарувчи нематода касаллиги тропик ўлкаларда экиладиган пахта навларида кенг тарқалган бўлиб, ўсимлик танасини озуқа моддаларидан узиб қўяди. Вилт эса мамлакатимизда етиштириладиган кўплаб экинларга зарар етказади. Селекционерларимиз ғўзанинг бу касалликларга чидамли бир қанча навларини яратган бўлса-да, улар шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамсиз. Шу боис тадқиқотларимиз доирасида ушбу навларнинг геномикаси, аниқроғи, юқоридаги хусусиятлар учун "жавобгар" генлар ўрганилмоқда. Ушбу генларни ген нокаут технологияси ёрдамида бошқариш орқали ғўзанинг турли табиий таъсирларга чидамли истиқболли навларини яратиш ниятидамиз.

Ҳозир марказда ғўзада вилт касаллигини келтириб чиқарувчи замбуруғларнинг махсус генетикасини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Марказнинг ўсимликлар чидамлилиги лабораторияси мудири Шароф Эгамбердиевнинг айтишича, ҳозирга қадар вилт касаллигининг 120 тури аниқланган. Албатта, ўсимликнинг қайсидир касалликка мойиллиги унинг генларига ҳам боғлиқ. Вазифа – ғўзада касаллик қўзғатувчи патогенларнинг табиатини ўрганиш ва шу орқали уларни бартараф этиш усулини топишдан иборат. Вилт касаллигини чақирувчи патогенларни аниқлаш енгиллашса, ғўзанинг зарарланиш хавфини олдиндан башорат қилиш ҳамда касалликка чидамли навларни яратиш имконияти янада ошади.

Геномика ва биоинформатика марказида эришилган бундай кўплаб ютуқлар орасида ғўза навларининг молекуляр-генетик паспорти яратилгани алоҳида аҳамиятга эга. Молекуляр-генетик паспорт навнинг софлиги ҳамда бир турга мансублигини кўрсатувчи ноёб белгилар мажмуини ифода этиб, ғўза навлари хилма-хиллигини баҳолаш ва улар ичидан энг ҳосилдор навларни аниқлаш имконини беради. Қолаверса, ушбу усулни иқтисодий аҳамиятга эга бошқа қишлоқ хўжалиги экинларида ҳам қўллаш мумкин.

Ғўза геномикаси ва биотехнологияси мамлакатимиз пахтачилигининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлиб, ўзбек пахта толасининг дунё бозоридаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Депутат ва ҳаёт

**Мамлакатимиз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш ҳақидаги фикрларига жавобан, ўз низоми, жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга Халқ депутатлари вилоят Кенгаши "Адолат" социал демократик партияси депутатлик гуруҳи фаолияти республика миқёсида эътироф этилиб, ғолибликка муносиб топилди. "Энг намунали депутатлик гуруҳи" раҳбари Зарифа Эралиева билан суҳбатимиз депутатларнинг вилоят аҳолиси билан муносабати, мулоқотлари ва шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари натижаларига бағишланди.**

# АДОЛАТ – МАҚСАДГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

– **Истиқлолимизнинг илк қадамлариданоқ, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг "Куч адолатдадир" деган сўзлари давлат сиёсатининг бош мезонига айланган эди. Демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шарти – кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш ҳақидаги давлатимиз раҳбарининг фикрларини депутат сифатида қандай изоҳлайсиз?**

– Аввало, депутат сўзи мен учун бир шараф, яна улкан масъулиятдир. Зеро, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалаларини ҳал этишда сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, Ватан, эл-юрт ишончини оқлай оладиган инсонларгина бу номга лойиқ деб ўйлайман. Шу маънода ҳар бир партиянинг давлат ва жамият тараққиёти йўлидаги хизматлари ўзига хос услубда бўлади. Яъни, бир-бирини инкор этмаган ҳолда ўз қарашлари асосида депутатлик вазифасини адо этади. Мен учун "Адолат" социал демократик партияси номидан Ватанимга, халқимга хизмат қилиш муқаддас бурч. Буни қай даражада адо эта олаётганимизга халқ ўз баҳосини беради, албатта. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг, вилоят ҳокимлигининг ишончи, меҳнатларимиз самараси ва рағбати бизга куч беради. Муҳими, ҳозирги кунда айнан "Адолат" партияси мисолида айтишим мумкинки, сайловчиларимизда биз депутатларга нисбатан ишонч орта бошлади. Улар ўз фикр-мулоҳазалари, муаммоларини биз билан очиқ-ойдин ўртоқлашишади.

– **Хабаримиз борки, депутатлик гуруҳи фаолияти ҳақида аниқ мисоллар асосида сўзлаш имкониятига эгасиз, яъни...**

– Албатта. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида муқобил энергияни ривожлантириш бўйича таклифлар билан чиқдик. Унинг эътиборсиз қолмагани ўзимизга бўлган ишончимизни орттирди.

Ҳар бир шаҳар, туманда ёшлар таълим-тарбияси учун зарур омил – китоб дўконлари фаолияти кенг йўлга қўйилмоқда. Аҳоли билан учрашувларда пластик карточка, терминал масаласи, тураржойлардаги, айниқса кўп қаватли уйлардаги муаммолар ўртага ташланди. Бу масалалар мониторинг асосида ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги таклифларимизни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида билдирдик. Кузқиш мавсумига тайёргарликни яхшилаш, аҳолининг масъулиятини ошириш мақсадида "Энг намунали кўп қаватли уй-жой" танлови эълон қилинди. Шунингдек, вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича чиқишларимиз ва таклифларимиз эътиборга олинди.

– **Депутатлик маълум маънода давлат ва халқ ўртасидаги "кўприк" дейишади. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, давлат сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори учун курашувчилар ҳам аввало депутатлар.**

– Тўғри, депутат давлат ва жамият манфаатлари ҳимоячиси, ижрочиси. Аввало, қонунчилигимиз асосларини халққа тушунтириш, қолаверса, аҳоли ичига кириб бориб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, муаммоларини тинглаш, жойида ҳал этилишига кўмаклашиш.

– **Кўпроқ қандай масалалар бўйича мурожаат этишади?**

– Умуман айтганда, шахсий масалаларда тез-тез мурожаат этишади: соғликларини тиклаш учун шифохона, дам олиш уйларига йўлланмалар борасида, кам таъминланган, эътиборга муҳтож оилаларга моддий ёрдам, айниқса коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланиши ёки иш жойидаги муаммолар... Биз бундай мурожаатларни иложи борича жавобсиз қолдирмаймиз. Албатта, барча хатти-ҳаракатлар қонун доирасида бўлиши керак. Ахир "олмоқнинг бермоғи бор", яъни Ватан учун нимадир қилиш кераклигини одамларга тушунтира олиш ҳам асосий вазифаларимиздан...

Албатта бу ишлар фақат қоғозда қолиб кетмаслиги, изчил режа асосидаги амалий ҳаракатлар натижаси ҳақида ҳисобот бериб бориш асосий вазифамиз. Фаолиятимиз самарасига эса Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, сайловчиларимиз ишончи ва эътибори сабаб.

Шу ўринда, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Оҳангарон туманидаги "Мурувват" уйида каттагина боғ яратилгани, бу ишга ўзлари бош-қош бўлгани, тез-тез хабар олиб, моддий, маънавий ёрдам бериб туришларини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Ангреннинг энг чекка қишлоқларидан бири – Лашкаракда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида "Соғломлаштириш маркази" қурилиши бошланди. Ангреннинг Нуробод қўрғонида қабристон учун ер ажратиш масаласи ҳам депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда кўрилди.

Ҳар бир ишда каттаю кичикка ибрат, журъат, шижоат керак. Қолаверса, ўз фаолиятига танқидий ёндошиш, ҳар қадамда адолатга таяниб иш кўриш хайрлидир. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар ҳар биримизнинг асл мақсадимиз бўлиши зарур.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Сайёра РИХСИЕВА суҳбатлашди.**

Ҳунармандчилик

# НАВДАЛАРНИНГ НАФИС ЖИЛОСИ

Зарифа опанинг асл касби – педагог. Шаҳардаги умумтаълим мактабида, маориф бўлимида, болалар боғчасида раҳбарлик вазифаларида ишлади. Бўш пайтлари тўрт фарзандини ёнига олиб, чилвир тол навдаларидан сават ва ғаладонлар, ошхона буюмлари тўқишни одат қилди. Қачондир ўзининг хусусий корхонасини очишни ният қилганди, орзулари истиқлол шарофати билан ушалди. Юртимизда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга эътибор, хусусан, ҳунар соҳибларига қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратилиши бунда қўл келди. Шу тариқа 15 маҳаллий ёшлардан жамланган "Оҳангарон-Покизахон" хусусий корхонасига асос солинди.

Жамоа қўлда тайёрлаётган тўқима мебель жиҳозлари ички бозорда янгилик бўлгани боис тезда харидорлар эътиборига тушди. Экологик тоза, пишиқ ва ҳамёнбоп маҳсулотларга чор атрофдан буюртмалар кела бошлади. Ишлар шу қадар юришиб кетдики, маҳсулотлар тури 200 тага етди, сифати, дизайни такомиллаштирилди. Улар шу чоққача қатор миллий ва халқаро кўргазмалар марказидан жой олаётгани, биргина ўтган йилнинг ўзида ички бозорда 120 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот сотилганининг асосий сабаби ҳам шунда.

Ҳунарманд "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида кўп марта "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича ғолиб бўлди. 2007-йилги танловнинг республика босқичи уни "Энг яхши тадбиркор аёл" номи билан машҳур қилди.

Бу ҳали муваффақиятларнинг бошланиши эди. Негаки, кўп ўтмай, Зарифа опанинг довруғи узоқ ва яқин чет давлатларга ҳам ёйилди, хориждан ҳам буюртмалар кела бошлади. Бунда "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" махсус анъанавий кўргазма-ярмаркасидаги иштироки асқотди. Унинг маҳсулотлари "Кўргазманинг энг яхши дебюти" ҳамда "Уй ва офис учун энг тўкис танлов" каби йўналишларда икки бор ташкилотчиларнинг махсус дипломларига сазовор бўлди. Энг муҳими, худди шу анжуманларда унинг қўл меҳнати хорижлик меҳмонлар назарига тушди.

– Мен жуда бахтли аёлман,– дейди Зарифа Баҳодирова. – Ҳунар ортидан юртга танилдим, дунё кездим. Ўнга яқин хориж давлатларида ташкил этилган кўргазмалар ва ишбилармон доира вакиллари иштирокидаги бизнес-конференцияларда қатнашиб, олқиш олдим. Ишонасизми, ҳеч бир ерда тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган одамга биздагидек имконият ва эркинлик яратиб берилаётганини кўрганим йўқ. Мен бу гапни Ҳиндистонда дунёнинг 48 давлатидан келган ишбилармон аёллар иштирокидаги "Spring – 2008" анъанавий кўргазма минбаридан туриб баралла айтганимда, кўпчиликнинг ҳаваси келган эди. Рост-да, мана, ўзимдан қиёс. Корхонамизни оёққа қўйгунча, тижорат банкларидан етти марта кредит олдим. Ҳунармандларга жорий этилган солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланаяпман. Қатор танловларда ғолиб бўлиб, мукофотландим. Бирор муаммо туғилса, мутасаддилар ҳамиша қўллаб-қувватлашади. Энг муҳими, ўзим ёқтирган иш билан машғул бўлиб, даромад топаяпман, фаровон ҳаёт кечираяпман. Бундан ортиқ яна нима керак?!

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларидан ҳунар ўрганиш истагида Зарифа опани дараклаб келувчи ёшлар кўп. Шу пайтгача тол навдаларидан тўқима маҳсулотлар тайёрлаш бўйича 100 га яқин шогирд етиштирган ҳунарманд республика Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди. Тадбиркор юртимиз вилоятлари бўйлаб ёшлар учун "уста-шогирд" машғулотларини йўлга қўймоқда. Бу мамлакатимизда ҳунарманд меҳнати муносиб қадр топиб, эътироф этилаётганидан, азалий мерос ва анъаналаримиз изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради, албатта.

Дарвоқе, яқинда вилоятимизга келган бир гуруҳ хорижлик меҳмонлар Оҳангаронга сафар қилиб, Зарифа Баҳодированинг ҳунармандчилик корхонасида ҳам бўлишди. Юқори мартабали, нозик дидли хонимлар ўзбек йигит-қизлари қўлда ясаётган бири-биридан бежирим буюмларни кўриб ҳайрат ва ҳавасларини яширолмадилар. "Ўзбек ишбилармон аёлларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди" дейишди улар.

Шу учрашувда ишбилармон аёл ўз корхонаси учун фавқулодда муҳим бўлган яна бир янгиликни расман ошкор қилди. Яқинда хориж давлатларидаги ҳамкорлар билан ташқи иқтисодий фаолиятга доир истиқболли келишувларга эришилибди. Демак, оҳангаронлик ҳунармандлар жаҳон бозори сари яна бир дадил қадам қўядилар.

**Шуҳрат МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

